(Давоми. Боши 2-3-бетларда)

ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш; уни узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги Фармонларини тасдиқлаш;

21) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;

22) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

23) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номини ўзгартиш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш;

24) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ўзининг мутлақ тасарруфида бўлган ваколатларни ўзи тузадиган органларга, республиканинг бошқа давлат органларига ва мансабдор шахсларга беришга ҳақлидир.

**76-модда.** Олий Мажлис йиғини жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.

**77-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг органлари йиғинида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Бош Вазир ва Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республиканинг Конституциявий Суди, Олий Суди, Олий Хўжалик Суди раислари, Бош прокурори, Марказий Давлат Банки бошқарувининг раиси иштирок эта оладилар.

**78-модда.** Ваколат муддати тугагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иш бошлагунига қадар ўз ваколатини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сайловдан кейинги биринчи йиғилиши Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай чақирилади.

**79-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонун лойиҳаларини таклиф этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек ўзининг давлат олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди, Олий Суди, Олий хўжалик Суди, Бош прокурори эгадирлар.

**80-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилади. Қонунни қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатларининг кўпчилик овози талаб этилади.

Конституциявий қонунлар қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатларининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози талаб этилади.

Қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар тадбиқ этилиши учун матбуотда эълон қилиниши шарт.

**81-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Олий Мажлис Раисини ва унинг уч ўринбосарини, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасидан ўринбосарини сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб бериб туради.

**82-модда.** Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарларидан бири лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати бўлмиш Қорақалпоғистон вакили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси ва унинг ўринбосарларининг ваколат муддати — 5 йил.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси этиб бир шахсни сурункасига икки муддатдан ортиқ сайлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларининг учдан икки қисмидан кўпроғи берган яширин овоз билан Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Раиси муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

**83-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси:

— Олий Мажлис муҳокамасига қўйиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

— Олий Мажлис йиғинларини чақиради, Олий Мажлис кун тартибига киритиладиган таклифларни қўмиталар ва комиссиялари раислари билан биргаликда тайёрлайди;

— Олий Мажлис йиғилишларида раислик қилади;

— Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

— қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилишни ташкил этади;

— парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ва халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ гуруҳлар фаолиятига раҳбарлик қилади;

— Олий Мажлис Раисининг ўринбосарларини, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари раисларини сайлаш учун Олий Мажлисга номзодларни тақдим этади;

— қўмиталар ва комиссиялар раисларининг таклифига мувофиқ қўмиталар ва комиссиялар таркибини ўзгартириб, сўнгра бу ўзгартишларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

— Олий Мажлиснинг матбуот органлари фаолиятига кундалик раҳбарликни амалга оширади; Олий Мажлис матбуот органлари низомларини ва таҳрир ҳайъатларини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди; Олий Мажлисга қарашли матбуот органлари муҳаррирларини тайинлайди ва лавозимларидан озод қилади;

— Олий Мажлис депутатлари ва девонининг ишлаши учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларини имзолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси фармойишлар чиқаради.

**84-модда.** Олий Мажлис қонун лойиҳалари тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлисга хавола этиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Олий Мажлиснинг юқорида кўрсатилган ваколатларини амалга ошириш, қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг ижросини назорат қилиб туриш учун депутатлар орасидан қўмиталар ва комиссиялар сайлайди.

Олий Мажлис зарур бўлган тақдирда депутатлардан иборат комиссиялар, тафтиш комиссиялари ва бошқа доимий ҳамда муваққат ишловчи комиссияларни тузади.

**85-модда.** Олий Мажлисда мансабдор шахсларни тайинлаш, сайлаш ва тасдиқлаш, бюджетни ва узоқ муддатли инвестиция дастурларини тасдиқлаш учун дастлаб Олий Мажлис тегишли қўмиталари ва комиссиялари бу масалаларни кўриб чиққан ва хулоса берган бўлиши керак.

**86-модда.** Олий Мажлис депутатлари белгиланган тартибда маош ва харажат пули оладилар. Олий Мажлисда доимий ишлайдиган депутатлар ўз ваколатлари даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

**87-модда.** Олий Мажлис депутати даҳлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Олий Мажлиснинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

## XIX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ

**88-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлатнинг ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғидир.

**89-модда.** Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

**90-модда.** Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда сиёсий партияга аъзолигини тўхтатиб туради, бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

Президентнинг шахси даҳлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

**91-модда.** Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади:

«Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали касамёд қиламан».

**92-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни рўёбга чиқариш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

3) мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

4) музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикасининг шартномаларини имзолайди; Республика томонидан тузилган шартномаларига ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

5) ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қилади;

7) Республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади;

8) ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, кейинчалик шу масалаларга доир Фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

9) Бош вазир, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлиснинг тасдиғига киритади;

10) Олий Мажлисга Конституциявий суд раиси ва аъзолари, Олий суд раиси ва аъзолари, Олий хўжалик суди раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

11) Вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади;

12) вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади. кейинчалик тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига қўяди; Конституцияни, қонунларни бузган, ҳоким шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат қилган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

13) республика вазирликлари ва идораларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул этган ҳужжатларини бекор қилади;

14) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такрорий муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Агар Олий Мажлис илгари ўзи қабул қилган қарорни учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди;

15) фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, катта ҳалокатлар, табиий офат, эпидемия ва шу кабилар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиб, қабул қилган қарорни зудлик билан, уч кундан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

16) Республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондонидир, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади; олий ҳарбий унвонларни беради;

17. Ўзбекистон Республикаси ҳужумга учраган тақдирда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва кейинчалик бу қарорини уч кун ичида Олий Мажлис тасдиғига киритади;

18) Ўзбекистон Республикасининг нишонлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг мартаба ва фахрий унвонларини беради;

19) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;

20) Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларнинг гуноҳидан кечади ва афв этиш тўғрисида ҳужжатлар қабул қилади.

21) Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ўз ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилади.

Президент ўз ваколатларини ижро этишни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

**93-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

**94-модда.** Олий Мажлис таркибида унинг нормал фаолиятини хавф остида қолдирадиган ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг Конституциявий Суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин. Олий Мажлис тарқатилгандан сўнг унга янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Олий Мажлис фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас.

**95-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Олий Мажлис тузган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат ичида Олий Мажлиснинг фавқулодда йиғинида депутатлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади. Бундай ҳолда уч ой муддат ичида умумий асосда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилиши керак.

**96-модда.** Конституциявий муҳлат тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий Суд аъзоси этиб тасдиқланади.

## XX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

**97-модда.** Вазирлар Маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

(Давоми 5-бетда)

# Касаба уюшмаси ҳаёти

# ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

*Жамиятимиз мураккаб босқични бошдан кечирмоқда. Қаёққа қараманг, муаммо. Бу қалтис давр бошқарув ва жамоатчилик ташкилотларини ҳам четлаб ўтмаяпти. Аммо юзага келган мураккабликлар ва қийинчиликлардан касаба уюшмалари ҳам ўзига хос имтиҳондан ўтмоқда. Бу ҳолат касаба уюшмалари кенгашлари ва бирлашмалари ҳамда тармоқ қўмиталари орасидаги муносабатларда яққол сезилиб қолмоқда. Мақсад муштараклигига эришиш, олдинда турган муаммоларни ечиш учун қандай йўл танламоқ керак? Мухбиримиз билан Наманган вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг раиси Ҳ. Д. АБДУРАҲИМОВнинг суҳбати шу мавзуда бўлди.*



— МУСТАҚИЛЛИК қанчалик тотли бўлмасин, унинг ўзига хос ўткинчи чигалликлари ҳам бўлади. Яширишнинг ҳожати йўқ, бу ҳол кўп жойларда гоҳо, касаба уюшмалари кенгашлари ва бирлашмалари билан тармоқ Қўмиталари ўртасидаги муомалалар ўткирлашганлигида ҳам кўзга ташланмоқда, — деди Ҳабибулло Дадабоевич, — ҳолбуки, яқин-яқинларгача тармоқ қўмиталари кенгаш ва бирлашмалар раҳбарлигида ишлаб келишган эди, унинг сабаблари эса яқин ўтмишга бориб тақалади.

Шунинг учун ҳам гапни олисроқдан бошлашга тўғри келяпти. Энг аввало, анъанавий ёки тарихий ҳамкорлик нима учун бузилди, деган савол устида фикр юритдик. Шу нарса аёнки, Иттифоқнинг емирилиши касаба уюшмаларига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолиши мумкин эмасди. Бинобарин, «марказнинг зарурати йўқ», деган мулоҳаза ўртага қўйилгач, тармоқлар миқёсида конференциялар, қурултойлар ўтказилди ва улар ўзларининг мустақиллик йўлларини белгилаб олдилар.

Зотан, шундай ҳуқуқга эга эдилар. Шўролар тараққиётининг бутун бўғини давомида касаба уюшмалари гарчан оғизда мустақил, деб юритилсада, амалда комфирқанинг дастёрига айланганди. Партия ҳам, давлат ҳам уни ўз таъсирида сақлашга интилдилар ва бунга эришдилар.

Бугунги кунга келиб у тарихий бурчини адо этишга киришди, десак янглишмаган бўламиз. Масаланинг қалтис жиҳати шундаки, узоқ йиллар «марказ» бошқаруви услубида яшаб, ишлаб келдик, шунга кўникдик. Эришилган мустақиллик шароитида эса касаба уюшмаларининг айрим бўғинидаги кишилар «марказ» бошқарувини салгина бўлса-да, тан олишни хоҳлашмаяпти. Марказ эса тармоққа йўл-йўриқ кўрсатишни истайди. Қолаверса, марказ томондан тармоқ қўмиталарига буйруқбозлик қилинган, устма-уст топшириқлар бериб ортиқча «талабчанлик» кўрсатилган ҳолатлар ҳам кўп бўлган. Шундай экан, бу вазиятдан чиқишнинг ягона усули тенглик даражасини оқилона келишиб олишдир.

**— Дарҳақиқат, 70 йил мобайнида одатланган иш усулларидан тўсатдан воз кечиш осонликча ўтмаса керак!**

— Нимасини айтасиз! Шу боисдан изланишлар кетяпти. Бизнингча, бу борада бош мақсад касаба уюшмаларининг фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини чинакамига кўкрак кериб ҳимоя эта оладиган ташкилотга айлантиришдан иборат бўлмоғи даркор. Бугунги иқтисодий ва ижтимоий инқироздан чиқишнинг якка-ю ёлғиз йўли меҳнаткашларнинг ўзларига, уларнинг ҳалол, фидокорона ва виждонан ишлашларига боғлиқлигига, Республикамиз халқларининг бир-бирларига меҳр-оқибат кўрсатишларига, иқтисодий етишмовчиликларнинг азалий қадриятларимизни оёқости қилишга йўл қўймаслигига эришишдан, яхши кунлар узоқ эмаслигини барчага англатишдан иборатдир. Бу сенинг ишинг, бу менинг ишим, дея сансоларликка берилиш. муамоларни кўпайтиради, инқирозни чуқурлаштиради холос.

**— Энди бевосита амалий ишлар таҳлилига ўтсак. Сиз раислик қилаётган вилоят кенгашида бу соҳадаги аҳвол қандай!**

— Бошдаёқ айтиб қўяй, бизнинг вилоят касаба уюшмалари фаолиятида вазифаларни тақсимлаб олиш, деган гап йўқ. Олдинда турган ишларни уддалаш, юзага келган муаммоларни ечиш учун ҳамма тенг ҳаракат қилади. Хўш, биз бунга қай тариқа эришмоқдамиз?

Даставвал, шуни таъкидлаш лозимки, давр тақозоси билан туғилган тушунмовчиликлар бизни ҳам четлаб ўта олмаганлиги маълум. Ушбу вазиятни ҳисобга олган Кенгаш ҳайъати фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш, бу борада бошланғич ташкилоталардан тортиб англаб етишлиги учун касаба уюшма фаолларини ўқитиш керак, деган хулосага келди. Биз шу йўлни танладик. Масалан, 1991 йилда вилоят барча районларида шундай тадбирлар ташкил этилди. «Кўчма семинарлар» деб ном олган ва бир ярим ойга яқин муддат фаолият кўрсатган ўқувнинг бу шаклида касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси, раис ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, тармоқ қўмиталари ва бошланғич ташилотларнинг раҳбарларидан тортиб халқ ноиблари район кенгашларининг раислари, жамоа ва давлат хўжаликларининг, саноат корхоналарининг ҳамда қурилиш ташкилотларининг бошқарув ходимларигача иштирок этдилар. «Янгича шаклланаётган иқтисодий шароитда касаба уюшмаларининг ўрни» деган мавзуда ўтган мазкур амалий мулоқотлар чоғида барча тармоқлардаги касаба уюшмалари раислари ўзлари учун зарур йўналишлар олдилар.

**— Шў йўсиндаги бу йилги мулоқотлар мақсади ҳақида тўхталсангиз.**

— Турмуш, жамият тараққиёти тарзи шундай тезкорлик билан ўзгармоқдаки, ҳар бир ой, ҳар бир кун янгидан-янги вазифа ва муаммоларни келтириб чиқаряпти. Бу эса касаба уюшмаларидан фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда ижодкорлик билан иш юритишни тақозо этяпти. Бу йил шундай хулосага келдикки, вилоят укасаба уюшмалари ишини жонлантирмасдан юзага келган мураккаб юмушларни бажариб бўлмас экан. Щундан келиб чиқиб, ўрта бўғин касаба уюшмалари қўмиталари фаолиятига эътиборни кучайтирдик. Шунинг учун биринчи навбатда уларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганишга киришдик. Баҳорда бир ой давомида кенгаш раҳбарлари ва тармоқ қўмиталарининг раислари районлардаги тармоқ қўмиталари раислари билан учрашувлар ташкил этдилар. Учрашувларда «Қандай қилиб касаба уюшмалари ишини жонлантириш мумкин?» деган савол ўртага ташланди ва унинг ечими устидан фикр-мулоҳазалар юритилди. Ана шулар асосида 44 банддан ташкил топган маҳсус тадбир ишлаб чиқилди ва кенгаш ҳайъатининг йиғилишида тасдиқланди. Унда фуқаролар манфаати кўзда тутилган ҳамда республика Президенти ва Олий Кенгашдан тортиб район ҳокимларининг олдига қўйиладиган талаблар ўз ифодасини топган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси олдига қўйилган савдо, умумий овқатланиш корхоналарида давлат нархини назорат этиш тартибини белгилаш, яшаш жойларига ҳақ тўлаш, коммунал хизмат нархлари низомини тасдиқлаш, вилоят ҳокими ихтиёрига ҳавола этилган солиқлар миқдорини камайтириш ҳамда ишсизликнинг олдини олиш режасини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар шулар жумласидандир.

**— Янгича иш усулларидан келиб чиқаётган тажрибалар хусусида ўртоқлашсангиз.**

— Биз бу йил фаоллар билан мулоқотларни, уларга бериладиган йўл-йўриқларни мажлис залларидан бевосита дала шийпонларига, ишлаб чиқариш цехларига, чорвачилик фермаларига ва тоғ яйловларига кўчиришга қарор қилдик. Оддий фуқаролар билан бирга бўлиш, уларнинг қувонч ва ташвишларига шериклашиш касаба уюшмалари обрўсини, одамларнинг уларга нисбатан ишончини оширмоқда. Шу боисдан ҳам февраль ойидан эътиборан ҳафтада 3 мартагача кенгаш ва тармоқ қўмиталари ходимлари биргаликда ўз автобусимизда районларга чиқишга одатландилар. Ҳар бир районга ўтказилаётган 2 кунлик сафар чоғида бошланғич ташкилотлар иш усули ўрганиляпти, зарур амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Пайдо бўлган муаммоларни ҳал этиш юзасидан маслаҳатлар берилмоқда.

**— Яқинда матбуотда кенгашнинг вилоят ҳокими билан битими эълон қилинди! Сизнингча Битимда қайси муҳим масалалар ўз аксини топган!**

— Ушбу ҳужжат вилоят касаба уюшмаси ташкилотларининг фуқаролар манфаатини яхшироқ ҳимоялаш, бугунги мушкул бозор иқтисодиёти бухронида улар турмушида қалқиб чиққан қийинчиликларни енгиллатиш асосий мақсадини ифодалайди. Битимга қанақа масалалар киритишни кенгаш ва тармоқ касаба уюшмалари томонидан ҳайъат йиғилишида пишиқ-пухта келишиб олинди. Юқорида тилга олинган 44 бандлик тадбир бунга асос бўлди. Бу ўринда шуни айтиб ўтиш keракки, 1992 йилда ўтган йилдагига нисбатан меҳнаткашларни ва барча аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун 970 миллион сўм қўшимча маблағ ажратилди. 10 минг оиланинг уй-жойи газлаштирилади.75,5 чақиримлик водопровод қувурлари ётқизилади. Кўпларни ташвишга солган яна бир муаммо ҳал этилади: давлат ва хусусийлаштирилган турар жойларда яшовчилар учун уй-жой ҳақини 1 квд. метрга 19,8 тийин миқдорида қолдирилади. Шу мақсад учун маҳаллий бюджетдан 4 миллион сўм маблағ ажратилди.

**— Сўнгги савол: бугунги кундаги бош вазифаларни нималардан иборат, деб ҳисоблайсиз!**

— Агар сизга ҳамма ишимиз ҳамирдан қил суғургандек силлиқ кетяпти, тармоқ қўмиталари билан доимо апоқ-чапоқмиз, гапимиз бир ердан чиқади, десам ўхшамас. Гоҳо, айрим масалаларга қарашларимиз турлича чиқади, баъзан муаммоларни ҳал қилишга бир-бировимиздан ўзгачароқ ёндашаётганлигимиз маълум бўлиб қолади. Сўзимнинг далили учун битта мисол келтирай: касаба уюшма фаолларини ўқитишни ташкил этишда шундай қийинчиликка дуч келдик. Баъзилар «ўқитишнинг нима кераги бор, бу мақсад учун ортиқча пул сарфлашнинг зарурати йўқ», дейишгача боришди. Лекин ўзаро мулоқотлар туфайли бу тадбирнинг аҳамияти тушунтирилгач келишувга эришилди. Хуллас, суҳбатимиз муқаддимасида таъкидланганидек, жамиятимиз, бутун халқимиз бошдан кечираётган синов палласидан муваффақиятли ўтишнинг бош талаби борлиқ жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни кучайтиришдир. Меҳнаткашларга маош тўлашда узилишга йўл қўймаслик, озиқ-овқат ва бошқа товар маҳсулотлари таъминотида изчилликни сақлаш... Буларнинг бари биргаликда, бир ёқадан бош чиқарилгандагина кўнгилли якунини топади.

**Суҳбатдош;**
**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.**

---

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ
Тошкент·92

## АССАЛОМ, ТОШКЕНТ!

**ЯНА уч кундан кейин яъни, 8 ОКТЯБРЬ оқшомида азим шаҳримиз Тошкентнинг муҳташам Халқлар дўстлиги саройида XI Тошкент Халқаро фестивали тантанали суратда очилади. Бу ерга элликдан ортиқ мамлакатнинг кино санъати усталари, кино юлдузлари ўз фильмлари-ю дилда самимий истаклари билан юртимизга ташриф буюрадилар. Фестиваль кунлари Тошкент шаҳрининг ўнта кино-театрида юзга яқин кинофильмлар намойиш этилади.**

XI Тошкент Халқаро кинофестивали бош директори, республика кино компанияси раҳбари Хайрулла Жўраевнинг айтишича, Мустақил республикамизнинг бу анжумани кенг кўламда ўтказилади. Америкадан, Лотин Америкаси мамлакатларидан, Ҳиндистон, Хитой, Покистон, Туркия, Индонезия, Франция, Германия, Англиядан, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондан, Санкт Петербург, Москва, Екатеринбург кино марказларидан меҳмонлар келишади.

Анжуман қатнашчилари Тошкент шаҳрини томоша қилиб, мухлислар билан учрашадилар. Самарқанд, Бухоро, Хивага бориб, қадимий бой ёдгорликларимизни кўрадилар. Вилоят кино-театрларида меҳнаткашлар билан юзма-юз учрашадилар.

Кинофестивалнинг барча йўналишлари алоҳида диққат билан ишлаб чиқилди. Танлов ленталарини аниқлайдиган махсус комиссия тузилди. Демак, кино бозори қизийди. Ва албатта ўзбек киночилари маҳсулотлари ҳам намойиш этилади. Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида, чинни заводида ва бошқа корхоналарда меҳмонлар тайёрланди. «Тошкент» ва «Ўзбекистон» меҳпонхоналари бекалари меҳмонларни хушнуд кутиб олмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон меҳмонхонаси директори Азимжон Сотволдиев шундай дейди:

— Фестивалчилар учун 370 та хона ажратилган, хоналарда барча шарт-шароит муҳайё қилиб қўйилган. Ўзбекистон алоқа вазирлигининг ёрдами билан фестиваль кунлари халқаро телефон алоқаси узлуксиз ишлаб туради.

**ҲА, биз кино фестивали баҳонасида жаҳонни танийmиз, турли халқларнинг ҳаёти, санъат ва адабиёти, курашидан воқиф бўламиз. Жаҳон эса, бизни — Мустақил Ўзбекистонни танийди. Биз уларга қалбдан янада яқинроқ бўламиз.**

# НУРОН ЛТД

қуйидагиларни таклиф қилади:

Бизнинг телефонларимиз:
67-85-87
67-22-08
67-77-06
Факс 67-24-50

IBM PC AT 28Ю/287, 16, кенг принтерли
«GOLD STAR, видеоплеери, телевизор ~ 51 (Хитой)— шартнома нархида
Сизда AT-286/287 бор... Лекин
Сизга AT-386/387 керак.

**БИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!!!**

**БИЗ СИЗГА ЭНГ ОЗ ҚЎШИМЧА ҲАҚ ТЎЛАШ ҲИСОБИГА МУАММОНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.**

**Хоҳлаган оргтехника учун буюртма қабул қилинади.**

**КОМПЬЮТЕРДАГИ БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБ-КИТОБИ**

**БОШЛОВЧИ ҲАМДА ТАЖРИБАЛИ ХОДИМЛАР УЧУН**

**ҚУЙИДАГИ ДАСТУРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ:**

— иш ҳақининг тўла ҳисоб-китоби (ўзгариб турадиган солиқ шкаласига ва ҳисоб-китобнинг маҳаллий хусусиятларига мослаштириш осон)

кичик корхоналар учун — 5 минг сўм
ўртача ва йирик корхоналар учун — 15 минг сўм.

— молиячи ходим иш жойи (ҳисоб варақалари бўйича пулларни тақсимлаш ва корхона балансини тузиш) — 4,9 минг сўм
— моддий бойликларни ҳисобга олиш — 10 минг сўм

**ЭНГ АРЗОН БАҲОЛАРДА!!!**

**Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, 700077, Буюк ипак йўли (собиқ Луначарский) кўчаси, 63-уй, 202а хона.**



# Муаффт

# МУРОД

## ФИРМАСИ

## ҲУРМАТЛИ КИТОБХОНЛАР!

«Мурод» фирмаси «Маҳпират» илмий-текшириш илмгоҳи ила мактабларда диний саводни оширишга жазм этган ўқувчиларга қўлланма сифатида «Хусайн Узтуркнинг «Имон асослари», Абдулла Авлонийнинг «Мухтасари тарихи анбиё ва тарихи ислом» («Пайғамбарлар ҳамда исломнинг қисқача тарихи), **Хожи Абдулла Орифнинг «Ҳаж дафтари» китобларини чоп қилди.**

**Юқорида номлари қайд этилган китобларни харид қилиш истагида бўлган ва китобхон дўстлар, мактаблар, район ва вилоятлар савдо ташкилотлари келишилган ҳолда кўп миқдорда олиш учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишлари мумкин:**

**Тошкент, «Правда газетаси» кўчаси, 41.**
**Илтимос, якка ҳолда мурожаат этилмасин.**
**Телефонлар: 33-77-64, 32-58-09**



# СИЗНИНГ МУАММОЛАРИНГИЗНИ БИЗ ҲАЛ ҚИЛАМИЗ

NURSE НЯНЯ ЭНАГА

«NURSE» —
«НЯНЯ» — «ЭНАГА»
акционерлик компанияси **ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ,** яъни болаларни парваришлаш ва унга қараб туришда ёрдам

Биз сизнинг буюртмангиз асосида уйингизга энага юборамиз. Сизлар ишга, ўқишга, дўконга, театрга ёки меҳмонга кетганингизда у болаларингизга қараб туради.

ЭНАГАНИ

- бир неча соатга, бир кунга, бир ҳафтага ёки шартнома тузиб, узоқроқ муддатга,
- бола касалликдан тузалгунча,
- фақат очиқ ҳавода сайр қилдириш учун таклиф этиш мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам энага нима ишлар қилиши кераклиги тўғрисида алоҳида келишиб олинади.

- Шунингдек, компания болаларни яхши кўрадиган ва улар билан ишлашни хоҳлайдиган барча кишиларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади.



«NURSE» —
«НЯНЯ» — «ЭНАГА»
**АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ ЭНАГАНИНГ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ БЎЛИШИГА КАФОЛАТ БЕРАДИ:**

Уларнинг ҳар бири махсус касб тайёргарлигидан ўтган.
Кўрсатиладиган хизматларнинг батафсил рўйхатини қуйидаги телефонлар орқали билишингиз мумкин:
33-83-77, 32-53-43, 32-58-13.

**Буюртма бериш учун манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, «Правда» газета кўчаси, 41 уй. («Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг кўп қаватли бино вестибюлида буюртмалар учун махсус қути бор.)**

«NURSE» —
**«НЯНЯ» — «ЭНАГА»**
**акционерлик компанияси.**



# АСТРОВАЗ ФУҚАРОЛАР ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИГА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚЎШИШГА ИНТИЛЯПТИ

АВ АСТРОВАЗ

«АстроВАЗ» ишга муҳтож бўлган ҳамда суғурта ходими ва брокер сифатида ўз кучини синаб кўрмоқчи бўлган барча фуқароларга иш жойларини таклиф қилади.

Биз шунингдек, доимий иши бўлса-да, қўшимча пул ишлашга муҳтож кишиларга ҳам катта ҳақ тўланадиган иш топиб берамиз.

Ўз ходимларини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги ўз бурчини бажаришга интилаётган корхоналарга биз ишсизликдан суғурта қилиш, шунингдек, тиббий суғурта қилиш имконини берамиз. Тиббий суғурта бизнинг йўлланмамиз билан республикамиздаги ва Москва шаҳридаги энг яхши шифохоналарда юқори малакали тиббий ёрдам олиш имконини беради.

1992 йил 1 июлдан «Астровоз» ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси учун фуқаролар ва корхоналарнинг бир галги бадаллари бўйича йиллик фойдани 25 фоизгача оширди.

**Қўшимча ахборот олмоқчи бўлсангиз, қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 33-03-69; 32-04-69; 55-32-18; 68-53-30; 78-48-16.**



# «ИШОНЧ»

Газетаси таҳририяти қисқа муддатда таклифномалар, ташрифномалар, (визиткалар) фирма бланкалари, этикетка ва ёрлиқлар нархномаларни тез ва сифатли тайёрлаб беради, турли хил матнларни кўпайтириш ишларини бажаради.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
Тошкент шаҳар,
«Правда Востока» кўчаси, 24-уй,
74-хона маълумотлар учун
телефон: 56-87-59

# Обуна – 93

## «ИШОНЧ» ФЕСТИВАЛИ

3 октябрь куни Тошкентдаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида «Ишонч» газетасининг 1-фестивали бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Мустақиллигининг бир йиллигига бағишланди.

(Фестиваль ҳақидаги тўла ҳисобот газетада эълон қилинади).







## ИШЧИЛАРНИНГ ОРЗУСИ КЎП

Тошкент тўқимачилик комбинатида ўн икки минг ишчи меҳнат қилади. Бу ерда Ўзбекистон пахтасидан ҳар куни тўп-тўп ранго-ранг газламалар ишлаб чиқарилади. Яқинда бу ерда «Ишонч» газетаси мухлислари билан таҳририят журналистларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Газета бош муҳаррири Тўлқин Қозоқбоев «Ишонч» босиб ўтган қисқа, лекин қизиқарли йўл ҳақида, социал адолат ва меҳр-оқибат ҳамда касаба уюшмалари мавзуи қандай ёритилаётгани борасида сўзлади. Таҳририят ходимлари шоир Сайёр, Санъат Маҳмудовалар ўз ижодларидан намуналар ўқиб бердилар.

Учрашувда сўзга чиққан Ислом Шодиев «Ишонч» саҳифаларида Чингизхон ҳақидаги асардан намуналар ўқиш орзусида эканини, Баходир Орипов эса бобомиз Амир Темур ҳақида қизиқарли, мукаммал асар ўқишлигини билдиришди. Хоразмдан келиб тўқимачилик комбинатининг йигирув цехида ишлаётган Робия Қозоқова эса ота-она қадри-қиммати ва соғинч ҳақида мақолалар ўқимоқчи экан. Комбинат ёшлар Иттифоқи раиси Искандар Сохибоев ишчи ёшларнинг «Ишонч»га обуна бўлаётганликлари ҳақида ахборот берди ва ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришни таъкидлади.

**Учрашувдан лавҳалар.**
**Суратларни Ҳаким СОЛИХ олган.**

## ҚАЧОНГАЧА?

«ИШОНЧ» газетасида чоп этилаётган материаллар мазмундорлиги билан менга жуда ёқади. Унда кўтарилган масалалар ихчам, лўнда ва оддийгина баён этилади. Энг муҳими, газетхонларни қизиқтирган ҳаётий саволларга аниқ ва равшан жавоб берилади. Шунинг учун унга обуна бўлишни маъқул кўраман. Бироқ, газета ҳаммавақт ҳам бизларга муддатида етиб келмайди. Самарқанд вилояти, Самарқанд район алоқа бўлими сешанба ва шанба кунларигина ишлайди, холос. Шу сабабли 27 июль куни чиққан газетани 3 август куни ўзимиз почтага бориб олдик. Унда 27 июлдан 2 августгача босилган ойнаи жаҳон дастури эса бизга кераги бўлмай қолди. Бундай воқеалар тез-тез такрорланмоқда. Бунинг олдини олишнинг иложи йўқмикин? Худди шу саволни биз алоқа бўлими бошлиғи Маъсуда Каримовага ҳам кўп марталаб берганмиз. Афсуски, у бирон тайинли жавоб ўрнига нуқул турли сабабларни пеш қилиш билан осонгина қутилиш пайида доим. Қачонгача шундай бўларкин?

**Тўрақул ЖЎРАЕВ,**
**Улуғ Ватан уруши ногирони,**
**Самарқанд район, Бухори қишлоғи.**

## ХАЙРЛИ ИШ

Тўрткўл шаҳрининг ҳокимлиги яқинда, 2-сон мактаб саҳнида кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан 40 нафарига «суннат тўйи» қилиб берди. Уларга моддий ёрдам учун сарфланган барча харажатлар ҳокимлик фондидан ажратилган.

«Суннат тўйи»га йиғилган шаҳарнинг 150 нафар кекса фуқароларига ҳам эсдалик совғалар, дўппи-чопон ҳадя этилди.

А. ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

## ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

*«Ишонч»га обуна бўлдингизми? ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН унинг йиллик обуна нархи 208 сўм 80 тийин. (нашр кўрсаткичи —64560)*

*ҚОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР УЧУН ГАЗЕТАНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ 312 СЎМДИР. (нашр кўрсаткичи — 64561)*

### ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

### ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

### АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.»—«жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

### ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

### ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

### АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.»—«жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.



Сой соҳили сўлим-сўлим.

## ИШҚИБОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

Кўп сонли футбол ишқибозларининг илтимосларини бажо келтириб, касаба уюшмалари жисмоний тарбия жамоалари ўртасида ўтказилаётган Ўзбекистон Республикаси биринчилиги ўйинлари иккинчи давраси октябрь ойида ўтадиган ўйинларнинг тартибини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

**1-ГУРУҲ**

**3 октябрь**

«Ғурумсарой» — «Савай»
«Нефтяник» СК — «Ишонч»

**4 октябрь**

«Умид» — «Тўрон»
«Кварц» — «Пахтакор»
«Кооператор» — «Ғаллакор»

**10 октябрь**

«Савай» — «Қоражийда»
«Ишонч» — «Ғурумсарой»

**11 октябрь**

«Ғаллакор» — «Кварц»
«Тўрон» — «Ёзёвончи»
«Пахтакор» — «Умид»

**17 октябрь**

Қоражийда» — «Тўрон»
«Ғурумсарой» — «Пахтакор»
«Кооператор» — «Асака»
«Нефтяник» СК — «Ғаллакор»

**18 октябрь**

«Ёзёвончи» — «Савай»
«Умид» — «Ишонч»

**24 октябрь**

«Кооператор» — «Кварц»
«Ишонч» — «Ёзёвончи»

**25 октябрь**

«Асака» — «Нефтяник» СК
«Пахтакор» — «Қоражийда»
«Ғаллакор» — «Ғурумсарой»
«Савай» — «Тўрон»

**31 октябрь**

«Қоражийда» — «Ишонч»
«Нефтяник» СК — «Кооператор»

**2-ГУРУҲ**

**3 октябрь**

«Мебелчи» — «Кимёгар»
«Ширин» — «Автомобилчи»
«Сўғдиёна» — ЖФМОМ

**4 октябрь**

«Навбаҳор» — «Машъал»
«Бинокор» — «Торпедо»
«Ёшлик» — «Бўкалик»

**10 октябрь**

ЖФМОМ — «Ширин»
«Машъал» — «Йигирувчи»
«Автомобилчи» — «Навбаҳор»

**11 октябрь**

«Бўкалик» — «Бинокор»
«Кимёгар» — «Сувчи»
«Мебелчи» — «Торпедо»

**17 октябрь**

«Навбаҳор» — «Торпедо»
«Ширин» — «Бўкалик»
«Ёшлик» — «Сўғдиёна»

**18 октябрь**

«Сувчи» — «Машъал»
«Мебелчи» — «Автомобилчи»
«Бинокор» — «ЖФМОМ
«Йигирувчи» — «Кимёгар»

**24 октябрь**

«Ешлик» — «Бинокор»
«Автомобилчи» — «Сувчи»
ЖФМОМ — «Мебелчи»

**25 октябрь**

«Сўғдиёна» — «Ширин»
«Торпедо» — «Йигирувчи»
«Бўкалик» — «Навбаҳор»
«Машъал» — «Кимёгар»

**31 октябрь**

«Йигирувчи» — «Автомобилчи»
«Навбаҳор» — ЖФМОМ
«Сувчи» — «Торпедо»

**3-ГУРУҲ**

**3 октябрь**

«Ҳисор» — «Химик»
«Автомобилчи» — «Тегирмончи»
«Зарафшон» — МЭЗ

**4 октябрь**

«Шўртан» — «Оқтош»
«Наврўз» — «Колхозчи»
«Ситораи-Бухоро» — «Пахтачи»

**10 октябрь**

МЭЗ — «Автомобилчи»
«Оқтош» — «Матлуботчи»
«Тегирмончи» — «Шўртан»

**11 октябрь**

«Пахтачи» — «Наврўз»
«Химик» — «Шерobод»
«Колхозчи — «Ҳисор»

**17 октябрь**

«Матлуботчи» — «Химик»
«Шуртан» — «Колхозчи»
«Автомобилчи» — «Пахтачи»
«Ситораи-Бухоро» — «Зарафшон»

**18 октябрь**

«Шерobод» — «Оқтош»
«Ҳисор — «Тегирмончи»
«Наврўз» — МЭЗ

**24 октябрь**

«Ситораи-Бухоро» — «Наврўз»
«Тегирмончи» — «Шерobод»
МЭЗ — «Ҳисор»
«Оқтош» — «Химик»

**25 октябрь**

«Зарафшон» — «Автомобилчи»
«Колхозчи» — «Матлуботчи»
«Пахтачи» — «Шўртан»

**31 октябрь**

«Матлуботчи» — «Тегирмончи»
«Шўртан» — МЭЗ
«Автомобилчи» — «Ситораи-Бухоро»


# ИШОНЧ

Бош муҳаррир

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АКБАРОВ, Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Жасур НОСИРОВ, Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХУЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсун ҚЎШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36

● Бош муҳаррир муовини — 56-52-89

● Масъул котиб 56-52-78

● Котибият —56-87-59

БЎЛИМЛАР

● Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт ва вилоятлараро мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79

● Хатлар, оммавий ишлар, тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-78; 56-87-73.

● Маънавият, маданият ва табиат — 56-87-63.

● Безатиш ва сураткашлик — 56-87-74.

● Ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик — 56-55-85.

● ВИЛОЯТЛАРАРО МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-32-24;
Гулистонда — 2-10-02;
Жиззахда — 2-39-54;
Наманганда — 6-22-10;
Нукусда — 4-19-97;
Самарқандда — 35-63-64;
Термизда — 2-70-07;
Тошкентда — 56-87-59;
Урганчда — 6-87-82;
Фарғонада — 4-47-73;
Қаршида — 5-33-71.

● Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● **Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.**

● **«Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь куни Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.**

СОТУВДАГИ НАРХИ 3 СЎМ.

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● **Босишга 2 октябрда топширилди.**

● Навбатчи масъуллар:

Акмал Акрамов,
Тожибой Алимов.

● **МАНЗИЛИМИЗ:**

**700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» газетаси кўчаси, 24 -уй.**

● Буюртма 368

● **101330 нусхада босилди**

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12